



ЛОГИСТИК КОРХОНАЛАРДА ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

Мирқосимов Жаҳонгир Мирмуҳсинович -
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
мустақил изланувчиси

doi:https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss3/a22

Аннотация. Мақолада логистик корхоналарда иқтисодий таҳлилни ташкил қилиш масаласи ўрганилган ва тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан хулоса ва таклифлар шакллантирилган.

Калит сўзлар: логистика, тармоқ, бухгалтерия ҳисоби, харажатлар.

ОРГАНИЗАЦИЯ ЭКОНОМИЧЕСКОГО АНАЛИЗА В ЛОГИСТИЧЕСКИХ ПРЕДПРИЯТИЯХ

Мирқасимов Джонгир Мирмуҳсинович -
Ташкентский государственный экономический
университет, независимый исследователь

Аннотация. В статье рассматривается организация экономического анализа на логистических предприятиях и на основе исследования автор формулирует выводы и рекомендации.

Ключевые слова: логистика, сеть, учет, затраты.

ORGANIZATION OF ECONOMIC ANALYSIS IN LOGISTICS ENTERPRISES

Mirqosimov Jaxongir Mirmukhsinovich -
Tashkent State University of Economics,
independent researcher

Abstract. The article examines the organization of economic analysis in logistics enterprises and on the basis of research the author formulates conclusions and recommendations.

Keywords: logistics, network, accounting, costs.

Кириши. Логистик корхоналарда иқтисодий таҳлилни ташкил этиш, албатта, амалдаги меъёрий-хуқуқий хужжатларда келтирилган нормативлар, турли тавсиялар асосида шакллантирилган формулалардан келиб чиқиб амалга оширилади. Албатта, таҳлил натижаларига кўра хулоса шакллантириш, турли чора-тадбирларни белгилашда ҳар бир соҳанинг тармоқ хусусияти инобатга олиниши лозим. Бу бўйича бир қанча илмий тадқиқотларда ҳам муносабат билдириб ўтилган.

Логистика корхоналари, одатда, ташиш хизматларини кўрсатганлиги боис уларда иқтисодий таҳлилни ташкил этишда транспорт корхонаси сифатида қаралиб, бунга ўхшаш бундай ташишларнинг алоҳида хусусиятлари инобатга олинади.

Адабиётлар таҳлили. Транспорт ташкилотларида иқтисодий таҳлилни ташкил этиш ҳам турли олимлар ва амалиётчиларнинг дикқат марказидаги масалалардан бўлиб, турли қарашлар ва ёндашувлар обьекти бўлиб келган. Жумладан, бу борада А.А.Бачурин автомобиль транспорти корхоналарининг молиявий-иқтисодий таҳлилини ўтказишда қўйидагиларга эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлайди[3]:

- ташиш ва бошқа иш ва хизматлардан даромадларни таҳлил қилиш, даромадлар ҳажмига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш;

- ташиш таннархи ва жами сарфланган харажатларни таҳлил қилиш, жумладан, харажатларнинг таркиби ва тузилиши бўйича;

- умумий харажатлар ва бажарилган иш ҳажмининг таннархга таъсирини, вақтинчалик ва доимий харажатлар улушкини, ҳайдовчилар иш ҳақи ва шу кабиларни аниқлаш;

- фойданинг шаклланиши ва тақсимланишини тадқиқ этиш;

- рентабеллик даражасини таҳлил қилиш.

Л.В.Эйхлернинг тадқиқотида ҳар қандай соҳада бўлгани каби автомобиль транспорти соҳасида ҳам молиявий натижаларни ифодаловчи асосий кўрсаткич фойда ҳисобланади. Автомобиль транспорти корхоналарида фойданинг бўлиши корхонанинг ривожланиши, асосиз қарздорликларнинг мавжуд бўлмаслигини таъминлаб, транспорт хизматининг сифати ошишига ҳам хизмат қилиши таъкидланади [14]. Демак, бу муаллиф томонидан ҳам транспортнинг асосий тuri бўлган автомобиль транспорти корхоналарида иқтисодий таҳлилни ташкил этиш, молиявий натижаларни шакллантириш ва унинг таҳлилига муносабат билдирилган.

Г.А.Кононовой, Е.В.Будрин, А.Г.Будрина-
ларнинг фикрича, автомобиль транспорти кор-
хоналари фаолиятлари натижалари таҳлили
фойда, рентабеллик ва даромад каби кўрсаткич-
ларни баҳолаш асосида ўтказилиши лозим.
Муаллифларнинг фикрича, автомобиль тран-
спорти корхоналарининг яқуний натижаси уму-
мий кўринишда даромад ва харажатлар ўрта-
сидаги фарқ сифатида намоён бўлади [4].

Ушбу муаллифлар томонидан олиб борил-
ган тадқиқот бирмунча кенгроқ бўлиб, улар
фойда ва рентабеллик кўрсаткичлари таҳлили-
га алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини таъ-
кидлайдилар.

Албатта, автомобиль транспорти корхона-
ларида рентабелликни ҳисоблаш масаласи ҳам
аҳамиятли бўлиб, бу бўйича ҳам соҳа олимлари-
нинг ўз муносабатлари мавжуд. Жумладан,
Н.М.Пахновская, Д.А.Ищановалар автомобиль
транспорти корхоналарида харажатлар рента-
беллиги ва рейсларнинг умумий сони ўртаси-
даги боғлиқликни келтиради [8].

Кўпчилик манбаларда рентабелликнинг
учта гурухга бўлиб ўрганилганлигини кўриши-
миз мумкин. Булар:

- сотиш билан боғлиқ рентабеллик;
- харажатлар ва инвестиция лойиҳалари-
нинг қопланганлигини кўрсатувчи рентабел-
лик;
- капитал ва унинг таркибий қисмлари
даромадлиги билан боғлиқ рентабеллик.

Умуман, биринчи гурух рентабеллигини
ҳисоблашда молиявий натижалар тўғрисидаги
ҳисбот маълумотларидан фойдаланилади.
Яъни бу ерда сотилган маҳсулот ва унинг тан-
нархи, ялпи фойда ва у билан боғлиқ молиявий
кўрсаткичлар олинади. Иккинчи гурухда эса
асосан, инвестицион лойиҳаларнинг самарадор-
лиги таҳлил қилиниб, шу бўйича рентабеллик
аниқланади. Учинчи гурухда эса бевосита капи-
тал билан боғлиқ рентабеллик аниқланади.

Дунё амалиётида рентабеллик фойда, иш-
лаб чиқариш активлари, пул маблағлари асоси-
да аниқланиши дунё амалиётида кўп кузати-
лади. Корхоналarda кўпроқ пул маблағларининг
кўпайиши, фойданинг ошиши билан боғлиқ
рентабеллик кўрсаткичлари кўпроқ ҳисоб-
китоб қилинади. Рентабеллик ва унинг корхона
молиявий натижаси ҳамда мамлакат иқтисодий
ўсишига таъсири, уни аниқлаш услубиёти бўйи-
ча ҳам олимлар томонидан турли мунозаралар,
фикрлар илгари сурилган. Жумладан, Жоффрей
Виттингтон саноат корхоналарининг рентабел-
лиги уларнинг иқтисодий ўсишига боғлиқлиги-
ни таъкидлайди [18]. Муаллиф фикрича, фойда
билан боғлиқ рентабеллик саноат корхонала-
рининг иқтисодий ўсишига замин яратади.
Аммо муаллиф томонидан рентабеллик фойда-

нинг ўсишига таъсирини баҳолашда қайси
молиявий кўрсаткичга нисбатан ҳисобланиши
лозимлигини келтирмайди.

Тадқиқот методологияси. Мақолада рес-
публикаизда логистик корхоналарда иқтисод-
ий таҳлили ташкил қилишнинг назарий маса-
лалари ёритилган. Мақолани тайёрлашда ада-
биётларни шарҳлаш, маълумотларни қиёслаш,
таққослаш ва иқтисодий хуласа методларидан
фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар мухокамаси. Ўрга-
нишлар шуни кўрсатдики, рентабелликни аниқ-
лашда фойда турлари ва таркибини аниқ кўр-
сатган ҳолда ҳисоб-китоб ишларини амалга
oshiриш лозим. Чунки айнан бир турдаги фойда
ёки даромад кўрсаткичи корхона даромадлиги-
ни ифодаламаслиги мумкин. Масалан, корхона
асосий фаолият билан боғлиқ фаолиятдан
зарар кўргани ҳолда унинг фаолиятига боғлиқ
бўлмаган даромадининг ошиши ҳисобига рента-
беллик даражаси юқори бўлиши мумкин экан.

А.М. Фридман рентабелликни ошириш-
нинг асосий ўйналишлари сифатида:

- корхона фаолиятининг ривожланиши-
дан олинган фойда суммасини кўпайтириш;
- ресурслардан фойдаланиш даражасини
oshiриш;
- ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати-
ни ошириш, материал харажатларини тежаш;
- корхона ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш
ҳамда солиқни оптимал режалаштириш;
- операцион фаолият даромадларини
oshiриш ва харажатларни камайтириш;
- корхонанинг техник, тижорат, марке-
тинг, молиявий, иқтисодий ва бошқа хизматлар
билан боғлиқ фаолиятлари сифатини ошириш-
ни келтириб ўтади [13].

Н.М.Пахновская ва Д.А.Ищановалар авто-
мобиль транспорти корхоналарида харажатлар
рентабеллиги ва рейсларнинг умумий сони
ўртасидаги боғлиқликни келтиради [8].

А.М.Фридман томонидан санаб ўтилган
рентабелликка таъсир қилувчи омиллар батаф-
сил ёритилган бўлса-да, фақатгина корхонага
боғлиқ бўлган ички омиллар берилган. Жумладан,
корхонага боғлиқ бўлмаган ташқи омиллар
ҳисобга олинмаган. Солиқларни режалаштириш
орқали солиқларни оптималлаштириш ҳақида
тўхталган бўлса-да, бу корхонага боғлиқ эмас-
лиги эътибордан четда қолдирилган. Бундан
ташқари муаллиф томонидан рентабелликни
oshiришнинг асосий ўйналишлари сифатида бе-
восита фаолият билан боғлиқ даромадлар кел-
тирилган бўлса-да, хизматлар сифатини оши-
риш ўйналишини ҳам келтириб, буни изоҳлаб
бермаган [13].

В.М.Семенов ва Н.В.Василенковалар:
“...рентабеллик фойдага тўғри, ишлаб чиқариш

фондларига тескари боғлиқ", – дея таъкидлайди [10]. Бу ерда муаллифлар фақатгина ишлаб чиқариш ва фойда билан боғлиқ рентабеллик кўрсаткичига эътибор қаратганлиги кўриниб турибди.

И.Т.Абдукаримовнинг фикрича, корхона самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларга [1]:

- сотиш бўйича рентабеллик (асосий фаолиятдан) сотишдан олинган фойданинг сотишдан тушган тушумга нисбати сифатида аниқланади;
- харажатлар рентабеллиги соф фойданинг харажатларга нисбати сифатида аниқланади;
- хусусий капитал рентабеллиги соф фойданинг хусусий капиталнинг ўртача йиллик қийматига нисбати сифатида аниқланади;
- умумий капитал рентабеллиги соф фойданинг корхона жами капиталига нисбати сифатида аниқланади;
- хусусий капитални инвестиция маблағлари билан қамраб олиш коэффициенти хусусий капититалнинг ўртача йиллик қийматининг соф фойдадаги нисбати сифатида аниқланади.

А.Ўлмасов ва А.Ваҳобовлар фойдани максималлаштириш рентабелликни оширишини таъкидлаб, унга эришиш йўлларига қўйидагиларни киритади [12]:

- ишлаб чиқаришни реструктузациялаш ва диверсификациялаш;
- ресурсларни тежаб-тергаб ишлатиш;
- капитал таркибини такомиллаштириш;
- меҳнат мотивациясини кучайтириш.

Муаллифлар томонидан асосий эътибор фойда ва ишлаб чиқаришни кўпайтиришга қаратилганлигидан кўриниб турибди, бу ерда ҳам асосий эътибор фойдага қаратилган.

А.Ваҳобов ва Т.Маликовлар хўжалик юритувчи субъектларнинг рентабеллигини оширувчи омилларни икки гурӯхга бўлади [5]:

- фойда суммасини кўпайтириш;
- фойда олиш учун харажатларнинг даражаси ва ресурсларни камайтириш.

Фикримизча, бу икки гурӯх кўрсаткичлари мазмунан бирлаштириш мумкин бўлган, битта умумий маънони берувчи кўрсаткич ҳисоблашади.

Ш.Тожибоева рентабеллик кенг қамровли тушунча эканлигини таъкидлаб, бугунги кунда амалда қўлланилаётган рентабелликни ҳисоблаш формулаларида католик борлигини таъкидласа-да, муаммо нимада эканлиги келтирилмасдан, уни бартараф этиш бўйича етарлича тавсиялар берилмаган [11].

М.Калонов томонидан эса асосий фойдага нисбатан рентабелликни қўйидаги икки йирик гурӯхга бўлиб ўрганиш тавсия этилиб, рента-

беллик даражасига фаолият турларига қараб аниқланиши, корхона тўғрисида аниқ ва шаффофф маълумотни тақдим этиб, унга тўғри ва холисона баҳо бериши таъкидланган [6]:

1. Умумий рентабеллик = соф фойда/харажатлар*100

2. Фаолият билан боғлиқ рентабеллик = фаолият билан боғлиқ жараёндан олинган соф фойда/фаолият билан боғлиқ харажатлар*100

Ш.Эргашев томонидан олиб борилган тадқиқотда эса корхона томонидан ҳисбот йилининг охирида катта миқдордаги, қийматликдаги асосий воситаларнинг харид қилиниши, кредитларнинг олиниши ёки умуман корхона фойдаси учун хизмат қилмайдиган активларнинг пайдо бўлиши ўз-ўзидан активлар ўртача қийматини ошириши корхона нуқтаи назаридан ижобий ҳолат деб қаралса-да, аммо амалдаги формулага кўра, янги кирим қилинган активлар қиймати соф фойдага таъсир ўтказмаса-да, активлар ўртача йиллик қийматининг ошишига олиб келиши, бу эса активлар рентабеллигининг пасайишига олиб келиши таъкидланган. Шундан келиб чиқиб, муаллиф бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисбот маълумотлари активлар рентабеллигини аниқлашда тўлиқ ҳисоб-ахборот таъминоти бўла олмаслигини таъкидлайди.

Ш.Эргашев ўз холосасида активлар рентабеллигини аниқлашда икки тушунчадан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги, биринчи: амалдаги тартибга кўра аниқланадиган, корхона фойда солиғи тўлангунга қадар фойданинг активлар ўртача йиллик қийматини активлар рентабеллиги сифатида ҳисоблаш, иккинчи: фаолият билан боғлиқ фойданинг айнан шу фойданинг шаклланишида қатнашган активларнинг ўртача йиллик қийматига нисбатан ҳисобланадиган активлар соф рентабеллигини аниқлаш лозимлигини айтади. Бундан активлар ўртача йиллик қийматини ҳисоблашда фақат йил боши ва йил охиридаги қийматини эмас, ўрта оралиқдаги фойда кўрсаткичлари ҳисобланган даврлар бўйича олиш мақсадга мувофиқлигини таъкидлайди [15].

Дарҳақиқат, мазкур муаллифнинг фикри амалиётга кўпроқ мос келиб, фойда суммаси қаердан олинишига қараб, ҳисоб-китоб ва таҳлилий амалларда фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Маркованинг фикрича, автомобиль транспорти корхоналарида даромадлар ва фойда таҳлилий асосий мақсади:

- белгиланган кўрсаткичлар ва режанинг бажарилишига баҳо бериш;
- хизмат таннархи, фойда ва даромад суммасига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш ва баҳо бериш ҳисобланади [7].

Х.Сайдрасурова асосий ишлаб чиқариш фондларидан самарали фойдаланишни таъминлаш учун доимий равишда қуидаги тадбирларни амалга ошириш лозимлигини таъкидлайди [9]:

- ишлаб чиқариш харажатларини камайтириб, маҳсулотлар сотиш ҳажмини кўпайтириш;
- 100 ёки 1000 сўмлик асосий ишлаб чиқариш фондларига тўғри келадиган ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмини ошириш;
- капитални шакллантириш манбалари тузилмасини такомиллаштириш;
- асосий ишлаб чиқариш фондлари айланувчанигина ошириш;
- ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқаришни такомиллаштириш.

Т.Шоғиёсов: "...фойдани таҳлил қилишдан мақсад молиявий-иктисодий жиҳатдан ҳар томонлама асосланган вариантларга таянган ҳолда бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш ва улардан амалда фойдаланиш туфайли молиявий натижаларнинг барқарор ўсишига эришишдир", - дея таъкидлайди [16].

Б.Акбаровнинг автотранспорт корхоналари харажатларини таҳлил қилиш бўйича ёзил-

ган мақоласида умумий таҳлил ҳақида фикрлар юритилган бўлиб, тизим корхоналарининг таҳлили бўйича хulosалар шакллантирилмаган [2].

Ш.Эргашев эса ўз тадқиқотида автомобиль транспорти корхоналарида иқтисодий таҳлилни ташкил этиш хусусида сўз юритар экан, корхонада активлар рентабелли бўлиши, тўлов қобилияти юқори бўлиши, унинг молиявий барқарорлиги юқори деган хulosани келтириб чиқармаслигини, шу боис корхонани самарали бошқаришда ҳар бир кўрсаткичнинг ўз ўрни бўлиб, уларни индивидуал таҳлил этиш мақсадга мувофиқлигини таъкидлайди. Активлар рентабеллиги ва молиявий баарорлик кўрсаткичлари айнан маълум олинган фойда ёки жорий йилдаги кўрсаткичларга боғлиқ эмаслигини асослашга ҳаракат қилган [15].

Биз томонимиздан тадқиқот обьектларимизда олиб борилган таҳлиллар шуни кўрсатдики, уларда иқтисодий таҳлилни ташкил этишда, албатта, соҳанинг ўз хусусиятларини инобатга олиш мақсадга мувофиқ экан. Қуидаги обьектларимиз бўйича ўтказилган айрим таҳлил ишларини акс эттирган ҳолда мазкур масалага ўз хulosаларимизни шакллантирамиз (1-жадвал).

1-жадвал

LUCKY MEN корхонасининг айрим иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили [17]

Йиллар ва кўрсаткичлар	2018	2019	2020	Ўтган йилга нисбатан ўзгариши,+,-	2018 йилга нисбатан ўзгариши,+,-
Активлар рентабеллиги	-12,44	1,85	-0,09	1,76	-12,53
Тўлов қобилияти	0,01	2,38	0,04	-2,34	0,03
Молиявий барқарорлик коэффициенти	-6,32	0,63	0,06	0,57	6,38

1-жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, корхона кўрсаткичларида ўзгаришлар жуда ҳам кескин. Жумладан, активлар рентабеллиги 2018 йилда -12,44 ни ташкил этган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич 1,85 ни ташкил этган. 2020 йилда эса кўрсаткич яна пасайиб, -0,09 ни ташкил этмоқда.

Мазкур кўрсаткич бўйича юқорида айрим илмий тадқиқотларда муаллифларнинг фикрларини келтириб ўтдик. Яъни Ш.Эргашевнинг тадқиқот натижаларига кўра, бу кўрсаткич корхона умумий фойдасига нисбатан ҳисобланганлиги учун асосий фаолиятига боғлиқ бўлмай, фойда ёки зарарнинг пайдо бўлиши кўрсаткич суммасига қараб хulosча чиқаришда чалғитади.

LUCKY MEN корхонасининг активлар рентабеллигини ўрганиш шуни кўрсатдик, корхона молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисбот ва бошқа ички ҳисоб маълумотлари ўрганилганда, корхона ташкил топиш йили 2018 йил бўлган-

лиги боис, ушбу йилда фақат ташкилий харажатлар бўлиб, асосий фаолият бошланмаган. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисботнинг 040 - "Давр харажатлари" сатрида ташкилий, бошқарув ва бошқа давр харажатларининг акс эттирилиши ҳисобига солиқ тўлангунга қадар фойда сатрида "-" кўрсаткичли сумма пайдо бўлган. Бу эса корхона умумий соф фойдаси ўрнига зарар билан якунланишига олиб келган.

2019 йилда эса корхона бўйича активлар рентабеллиги сезиларли ошган. Бунга биринчи сабаб, корхона умумхўжалик фаолияти натижасига кўра, фойда билан чиққанлиги бўлса, иккинчи сабаб, корхона асосий фаолияти билан боғлиқ тушумлари ҳам анчагина ижобий томонга ўзгарган. Яъни сотишган олинган соф тушум 2019 йилда 825,9 миллион сўмни ташкил этган бўлса, сотилган маҳсулот (бажарилган иш ва хизматлар) таннархи эса 540 миллионни ташкил этган. Кўриниб турибдики, натижа 65 фоиз-

дан кўпроқقا ошган. Мазкур йилда давр харжатлари, жумладан, ташкилий ва бошқарув харжатларининг ҳам суммаси жуда кам бўлганинига активлар рентабеллиги ошишига олиб келган.

2020 йилни таҳлил қиласиган бўлсак, яна активлар рентабеллиги пасайиш тенденцияси кузатилган. Бунинг асосий сабаби ўрганилганда, пандемия сабабли асосий фаолиятда тўхталишлар бўлиб, қилинган харажатларга нисбатан тушум камроқни ташкил этган. Жумладан, мазкур йилда сотишдан олинган соф тушум 520,2 миллион сўмни ташкил этган бўлса, сотилган маҳсулот (бажарилган иш ва хизматлар) таннархи эса 561,6 миллион сўмни ташкил этган. Ўз-ўзидан шундан кўринадики, активлар рентабеллиги минус кўрсаткич билан чиқади. Чунки 561,6 миллион сўмнинг таркибиға фақат асосий фаолиятга тегишли таннархни ташкил этувчи харажатлар киритилган. Маъмурий-бошқарув, асосий фаолиятга тегишли давр харажатлари, соликлар ва шу кабилар ҳам ҳисобга олинганда, натижка бундан ҳам ёмонроқ кўрсаткич билан якунланарди.

Биз томонимиздан таҳлил қилинган иккинчи кўрсаткич, яъни тўлов қобилияти коэффициентида ҳам ўзгаришлар кескин бўлиб, активлар рентабеллигига мувофиқ ҳолда ўзга-

ришлар бўлган. Таҳлил қилинаётган 3-кўрсаткич, яъни молиявий барқарорлик коэффициенти ҳам олдинги кўрсаткичларга мос.

Ушбу кўрсаткичлар асосида умумий хуласа қилиб айтишимиз мумкинки, ҳолат қониқарли. Чунки 2018 йилда корхонада асосий фаолият амалга оширилмаган, шу боис қилинган ташкилий ва бошқарув харажатлари ҳисобига кўрсаткичлар бўйича бундай натижага бўлиши табиий ҳол. 2019 йилда эса корхона дастлабки нормал натижасига эришган. Учинчи, яъни 2020 йилда эса пандемия сабаб кўрсаткичлар яна пасайиши кузатилган. Шу боис корхона таҳлил қилинган кўрсаткичлар бўйича салбий хуласага асос мавжуд эмас.

Чунки бу корхонадаги ҳолатлар фаолият юритиши билан боғлиқ бўлмаган вазиятлар бўйича бўлиб, корхонанинг асосий фаолиятига алоқадорлиги жуда ҳам кам. Шу боис ҳар қандай ҳолларда ҳам стандарт формулаларга таяниб, уларнинг натижалари асосида хуласа қилиш яхши натижага беравермайди. Унинг сабабларини ўрганиш ва хуласа қилиш лозим.

Навбатдаги тадқиқот обьектимиз бўйича худди шу кўрсаткичларни таҳлил қиласиган бўлсак, яна ҳам бошқачароқ натижаларни кўришимиз мумкин (2-жадвал).

2-жадвал

Ангрен логистика марказининг айрим иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили

Йиллар ва кўрсаткичлар	Активлар рентабеллиги	Тўлов қобилияти	Молиявий барқарорлик коэффициенти
2018	-0,14	0,66	0,79
2019	-0,20	0,67	0,80

Манба: Корхона ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

Ушбу жадвал маълумотларига қарайдиган бўлсак, логистика марказида активлар рентабеллиги олдинги йилга нисбатан пасайган, тўлов қобилияти эса унча аҳамиятли бўлмаган коэффициентга ошган. Шу билан бирга, молиявий барқарорлик коэффициентида ҳам ошиш тенденцияси кузатилган. Бироқ бу ҳам унчалик аҳамият касб этмайди. Бунинг сабаби 0,79 дан 0,80 га ўзгариши унчалик натижага ёки хуласани ўзгартирмайди.

Объектларимиз бўйича олиб борилган таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, биринчи кор-

хонада кўрсаткичлар кескин, иккинчи корхонада эса табиий ҳолда ўзгармоқда.

Хуласа ва таклифлар. Юқоридагилардан келиб чиқсан ҳолда хуласа қилишимиз мумкинки, агар корхона ташкил топганига бир йил тўлмаган бўлса, яъни таққосланадиган давр бўлмайдиган бўлса, бу корхона бўйича иқтисодий таҳлилни амалдаги стандарт формула ва тавсияларга асосан ташкил этиш натижага бермайди. Шу боис бундай ҳолатда умумий ҳолда ўрганиш ва хуласа қилиш билан кифояланиш мақсадга мувофиқ.

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Абдукаримов И.Т. Отчет о прибылях и убытках – основной источник информации для мониторинга и анализа финансовых результатов предприятия. // Актуальные вопросы экономики и управления. № 1 (047), 2013.
2. Акбаров Б. Автомобильный транспорт корхонаси харажатлари таҳлили. // Бизнес-эксперт. 12/2017. 63-66-б.
3. Бачурин А.А. Анализ производственно-хозяйственной деятельности авто-транспортных организаций [Текст]. Учеб. Поссобие. / А.А.Бачурин; под ред. З.И.Аксеновой. – М.: Издательский центр «Академия», 2005. – 320 с.

4. Будрин А.Г., Будрина Е.В., Григорян М.Г. и др. Экономика автомобильного транспорта [Текст]. Учеб. пособие для студ. высш. учеб. завед. / Под ред. Г.А. Кононовой. – М.: Изд. центр «Академия», 2005. – 320 с.
5. Ваҳобов А, Маликов Т. Молия. Дарслик. – Т.: Ношир, 2012. – 232 б.
6. Калонов М. Корхоналарда даромадлар ва харажатлар ҳисоби ҳамда таҳлили услубиётини тақомиллаштириши. Иқтисодиёт фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: Молия, 2019.
7. Маркова С.Н. Планирование и анализ доходов и прибыли автотранспортного предприятия "Лайт фреш". // Экономический анализ: теория и практика. 7/10-2003 (июль). С. 28-35.
8. Пахновская Н.М., Ищенко Д.А. Развитие методов управления затратами в системе финансового управления автотранспортного предприятия. // Вестник ОГУ №14 (175)/декабрь 2014. С. 319-323.
9. Сайдрасулова Х. Методика определения эффективности использования основных производственных фондов. // Молия. 4/2014.
10. Семенов В.М., Василенкова Н.В. Управления финансами промышленности. Учебное пособие. – М.: Финансы и статистика, 2012. С. 60-61.
11. Тоғибоеева Ш.А Савдо ташкилотларининг молиявий натижаларини таҳлил қилиш усулларини тақомиллаштириши ўйллари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т., 2007.
12. Ўлмасов А., Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик (тўлдирилган ва қайта ишланган). – Т.: Iqtisod-moliya, 2014. 153-155-б.
13. Фридман А.М. Финансы организаций (предприятия). Учебник. 2-е изд. – М.: Дашков и К, 2013. С. 368-369.
14. Эйхлер Л.В. Особенности формирования финансовых результатов деятельности автотранспортного предприятия. Проблемы экономики и менеджмента. № 6 (58). 2016. С. 90-93.
15. Эргашев Ш. Автомобиль транспорти корхоналарида иқтисодий таҳлилни тақомиллаштириши. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd) диссертация автореферати. – Т., 2021.
16. Шоғиёсов Т. Корхонанинг молиявий натижаларини таҳлил қилиш муаммолари. // Молия. 3/2015.
17. Корхона ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги 207-сонли қарори асосидаги “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари” тўғрисидаги Низом, За-илова З-қўрсаткич шакллантирилган.
18. Geoffrey Whittington Profitability, Accounting Theory and Methodology. Taylor and Francis e-Library. London and New York. 2007. P. 45.



АУДИТОРЛИК ДАЛИЛЛАРИНИ ТЎПЛАШ УСУЛЛАРИ ВА УЛАРНИ ҚЎЛЛАШ ТАРТИБИ

Ешпанов Исламбек Тоҳтарбаевич -
Тошкент молия институти
мустақил изланувчиси

 https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss3/a23

Аннотация. Мақолада молиявий ҳисоботларни текшириш учун зарур бўлган аудиторлик далилларини тўплаш жараёни ёритиб берилган. Шунингдек, аудиторлик далилларини тўплашда қўлланиладиган усувлар тўғрисида батафсил маълумот берилган.

Калим сўзлар: таҳлилий амаллар, ташқи тасдиқ, кузатиш, назорат, арифметик ҳисоб-китоблар, ички назорат.

МЕТОДЫ СБОРА АУДИТОРСКИХ ДОКАЗАТЕЛЬСТВ И ПОРЯДОК ИХ ПРИМЕНЕНИЯ

Ешпанов Исламбек Тоҳтарбаевич -
Ташкентский финансовый институт
независимый исследователь

Аннотация. В статье освещается процесс сбора аудиторских доказательств, необходимых для проверки финансовой отчетности. В нем также содержится подробная информация о применении методов, используемых при сборе аудиторских доказательств.

Ключевые слова: аналитическая процедуры, внешнее подтверждение, наблюдение, контроль, арифметические вычисления, внутренний контроль.